



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 3 » марта

№ ПҚ-5017

### Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича илмий асосланган усувлар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

#### 1. Белгилансинки:

**2021 йил 1 марта бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтараётган тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманинг кафиллигидан яна фойдаланишга руҳсат берилади;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 марта даги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сон қарори 2-бандига мувофиқ берилган имтиёзлар чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

**2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар наслчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи** (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), **мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан** фойдаланганлик учун **солик ставкаси 50 фоиз миқдорида қўлланилади.**

2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан 1-иловада келтирилган товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда:

уларни олиб киришда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддати **180 кунга узайтирилади;**

тўланган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобот даври якунидаги салбий фарқ суммаси солик тўловчининг аризасига асосан тезлаштирилган тартибда **20 кундан кечиктирмасдан қоплаб берилади** ҳамда солик суммаси қоплаб берилгандан сўнг, камерал солик текшируви умумий тартибда амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган:**

**чорвачилик хўжаликлариغا – ўз хўжаликларида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шоҳли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўм;**

**паррандачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 800 сўм;**

**балиқчилик хўжаликларига – интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосос, форель ва осётр)нинг ҳар бир килограмми учун 3 000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм миқдорида республика бюджетидан субсидия ажратилади.**

Ушбу бандда назарда тутилган **субсидиялар қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган корхоналарга уларнинг субсидиялар олиш тўғрисидаги аризаларига асосан кейинги ойнинг 25 санаасигача ажратилади.**

4. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси билан биргаликда **икки ой муддатда** чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзлари томонидан етиштирилган ва реализация қилинган маҳсулотлар учун субсидиялар ажратиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

“Ўзбекчорванасл” агентлиги марказий аппарати тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат Паррандачилик ва қуёнчилик соҳаларини ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш;

“Ўзбекчорванасл” агентлиги директорининг паррандачилик ва қуёнчилик соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари лавозимини киритиш;

“Ўзбекчорванасл” агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Чорванасл” марказларида 2 та штат бирлигидан иборат паррандачилик ва қуёнчилик ишларини ривожлантириш секторини ташкил этиш;

**Давлат ветеринария хизмати тизимида чорва моллари, паррандалар ва балиқлар озуқаси таркибини таҳлил қилиш ҳамда паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича лабораторияларни ташкил этиш;**

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига қўшимча равишда республикада гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи, тайёрловчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек, ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашиш вазифасини юклаш.

6. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзбекчорванасл” агентлиги марказий аппарати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Чорванасл” марказлари тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларни ҳамда чорва моллари ва паррандалар ва балиқлар озуқаси таркибини таҳлил қилиш ва паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича лабораториялар ходимларини мазкур қўмита тизимининг умумий штат бирликлари ҳисобига шакллантирсин.

**2021 йил 1 апрелга қадар чорва моллари ва паррандалар озуқаси таркибини таҳлил қилиш ҳамда паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича лабораторияларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 3 миллиард сўм маблағ ажратилсин.**

7. Қўйидагилар “Ўзбекчорванасл” агентлигининг паррандачилик ва қуёнчилик соҳасидаги қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

паррандачилик ва қуёнчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсатини изчил амалга ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда нархлар мониторингини олиб бориш;

**паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, маҳсулотлар нархлари шаклланишининг мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;**

парранда ва қуёнлар учун тўла қийматли, юқори оқсили озуқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан паррандачилик ва қуёнчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

**паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни кенг жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил қилиш.**

#### 8. Молия вазирлиги:

а) “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан биргаликда **бир ой муддатда балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзалари, уларда етиштириладиган балиқлар ва балиқчилик технологик ускуналарини суғурталаш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

Бунда, бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, мазкур жойга хос бўлмаган даражада ҳавонинг совуқ ёки иссиқ келиши, портлаш, балиқхўр қушлар томонидан зарар етказилиши ва учинчи шахс томонидан қасддан қилинган ҳаракат, ўғриликлар (жиноят иши очилган бўлса) суғурта ҳодисалари сифатида суғурталаш тартибида назарда тутилсин;

б) “Ўзбекчорванасл” агентлиги билан биргаликда республикада фаолият юритаётган паррандачилик корхоналаридағи мавжуд паррандаларни турли касалликлар ва фавқулодда вазиятлар (электр энергияси ва табиий газдаги узилишлар) оқибатида нобуд бўлишини суғурталаш тартибини ишлаб чиқсин.

Бунда, паррандалар бош сонини суғурталаш бўйича суғурта товонининг **50 фоизигача бўлган қисми Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.**

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аҳолига сифатли ва арzon парранда ҳамда балиқ маҳсулотларини етказиб беришни ташкил этиш мақсадида “Паррандасаноат” ва “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмалари таклифига асосан:

**паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзи ишлаб чиқарган тухум, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум ҳудудлардан (арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ўтказилиши белгиланган жойлар негизида) ўрнатилган тартибда доимий савдо жойлари (нуқталари);**

ҳар бир деҳқон бозорида ҳамда шаҳар (туман)даги аҳоли гавжум жойларда камида **2 тадан енгил конструкция асосида парранда ва балиқ маҳсулотлари** сотишга мўлжалланган савдо дўконларини қуриш учун жой ажратилишини таъминласин.

10. “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ рапс (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), писта (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), соя (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), балиқ уни ва ёғи, арпа, макка, фосфат (трикальций, монокальций, дикальций) ва холин хлорид маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларни **биржа савдолариға жалб қилиш чораларини кўрсин.**

Маҳсулотларни биржа орқали **миллий ёки хорижий валютада импорт қилишга рухсат берилади.**

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ва “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ билан биргалиқда **икки ой муддатда** ҳалқаро тажрибани ўрганган ҳолда биржа савдолари орқали маҳсулотлар импортини амалга оширишда **“биржа омбори”** хизматларидан фойдаланиш механизмини жорий этиш бўйича таклиф киритсан.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг чорвачилик йўналишидаги лойиҳалари, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари лойиҳа доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномалар ва мол-мулклари билан биргалиқда **Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига ўтказилсин.**

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргалиқда чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш бўйича **Франция тараққиёт агентлигининг кредит линиясини 2021 йил 1 июлига қадар ҳамда Жаҳон банки кредит линиясини 2021–2022 йилларда жалб қилиш чораларини кўрсин.**

13. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Марҳамат енгил саноат техникуми негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг **Андижон ветеринария медицинаси техникумини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча ветеринария медицинаси ва агротехнологиялар техникумларида паррандачилик, ветеринария, балиқчилик, асаларичилик ва қўёнчилик йўналишларида мутахассислар тайёрлаш бўйича давлат бўюртмаси асосида қабул квота параметрларини шакллантирсин.**

15. Қашқадарё вилоятининг Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш, ушбу туманларда замонавий чорвачилик комплексларини ташкил этиш мақсадида қўйидагилар:

Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга доир чоратадбирлар дастури **2-иловага мувофиқ**;

Қашқадарё вилоятида 2021–2022 йилларда Дастур доирасида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича **прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ**;

Қашқадарё вилоятида 2021–2022 йилларда суғориш каналларини тозалаш ҳисобига қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш параметрлари **4-иловага мувофиқ**;

Қашқадарё вилоятида 2021–2022 йилларда пичанзор ва яйлов ерларида янгидан қазиладиган **қудуклар дислокацияси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан**.

16. Белгилансинки:

а) ушбу қарорнинг 4 ва 5-иловасига мувофиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш ҳисобига қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида қуриладиган қудукларга ўрнатиладиган насослар **тегишли агрокластер, фермер ва дехқон хўжаликларининг балансига** ҳамда уларга ўрнатиладиган трансформатор ва электр узатиш тармоқлари “Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖ балансига ўтказилади.

в) Қашқадарё вилоятининг барча туманларида чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга оширишга:

АТ “Халқ банки” ва бошқа тијорат банклари томонидан 2021–2022 йилларда хорижий молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан **50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги** маблағлар йўналтирилади;

Қашқадарё вилоятига 2021–2022 йилларда чет давлатлардан олиб келинадиган чорва молларини сотиб олиш учун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига зарур кредитлар ваколатли банклар томонидан Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида мавжуд ресурслар ҳисобидан ажратиб борилади.

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

тадбиркорлик субъектларини чорвачилик билан шуғулланишга қизиқтириш, уларни чорвачилик **соҳасида билим ва кўнимкаларга эга бўлиши** учун ўқитиш, шунингдек, бу жараёнга хорижий мамлакатлардан малакали мутахассисларни жалб қилиш;

чорвачилик соҳасига оид семинар, анжуман, ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш, шунингдек, маҳаллий чорвадорларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмаларда иштирокини таъминлаш;

қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш бўйича яқиндан амалий ёрдам кўрсатсин.

18. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргалиқда лойиҳа ташаббускорларига ажратилаётган ер участкаларида уларнинг мурожаатига асосан ер остидан сув чиқариш учун суғориш тик қудуқлари бурғулаш жойларини аниқласин ҳамда уларни хабардор қилсин.

19. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси суғориш тик қудуқларини бурғулаш лойиҳаларига гидрогеологик хулоса берилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

21. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда **бир ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Баш вазир ўринбосарлари Ш.М. Фаниев ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.**

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 3 мартағи ПҚ-5017-сон қарорига  
1-илова

**Тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб  
кирилганда қўшилган қиймат солиғини тўлаш мұддати үзайтириладиган товарлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи Жами	ТИФ ТН коди
1	Отлар	0101210000
2	Йирик шохли қорамол: ғунажинлар (биринчи болалашгача бўлган қорамолнинг урғочиси)	0102211000
3	Йирик шохли қорамол: сигирлар	0102213000
4	Йирик шохли қорамол: соф зотли наслдор бошқа ҳайвонлар	0102219000
5	Чўчқалар	0103100000
6	Қўйлар	0104101000
7	Эчкилар	0104201000
8	Тирик ўй паррандалари, яъни товуқлар, ўрдаклар, ғоз, курка ва тустовуқлар	0105
9	Инкубация учун үруғлантирилган тухум	0407110000 040719
10	Наслли туялар	0106130090
11	Наслли қуёнлар	0106141090
12	Наслли бошқа қуёнлар	0106149090
13	Туяқушлар	0106330090
14	Она асаларилар	0106410001
15	Асалари оиласлари (пакетлар)	0106410002
16	Ноёб балиқ турлари чавоқлари: Хон балиқ	0301919000
17	Ноёб балиқ турлари чавоқлари: Зогорабалиқ	0301930000
18	Ноёб балиқ турлари чавоқлари: Бақра	0301991810
19	Ноёб балиқ турлари чавоқлари: Лаққа балиқ	0301998500
20	Осётр балиқларнинг оталанган үвулдириғи	0511919011
21	Бошқа оталанган балиқ үвулдириғи	0511919019
22	Осётр балиқлар личинкаси	0511998591
23	Бошқа балиқлар личинкалари	0511998599
24	Суяк уни	0506900000
25	Наслли буқаларнинг музлатилган үруғлари	0511100000
26	Озуқабоп буғдой	1001990000
27	Жавдар	1002100000 1002900000
28	Арпа үруғлиги	1003100000
29	Арпанинг бошқа тури	1003900000
30	Сули үруғлиги	1004100000
31	Сулининг бошқа тури	1004900000
32	Маккажӯхори үруғлиги	100510
33	Маккажӯхорининг бошқа тури	1005900000

34	Оқ жүхори уруғлиги (сорго)	100710
35	Оқ жүхорининг бошқа тури (сорго)	100790
36	Тариқ уруғлиги	1008210000
37	Тариқнинг бошқа тури	1008290000
38	Бошоқли дон ёки дүккакли экинларни элаш, тегирмонда тортиш ёки бошқа усулларда қайта ишлашдан чиққан, гранулаланган ёки гранулаланмаган кепак ва бошқа қолдиқлар	2302
39	Соя дүккаклари (янчилган ва янчилмаган) уруғликлари	1201100000
40	Соя дүккакларининг (янчилган ва янчилмаган) бошқа турлари	1201900000
41	Кунгабоқар уруғликлари (янчилган ва янчилмаган)	1206
42	Құруқ үтдан тайёрланган озуқалар	1214909000
43	Соя ёғи (тозаланмаган)	1507109009
44	Гүштсүяк ва балиқ уни	2301
45	Донли маҳсулотлар бардаси озуқа құшимчалари	2303300000
46	Соя шроти (концентрат)	2304000001
47	Соя ёғи олингандан кейинги кунжара ва бошқа қаттиқ ҳолатдаги майдаланмаган ва майдаланган гранулали, гранулаланмаган озуқалар	2304
48	Кунгабоқар шроти (кунжара)	2306300000
49	Ҳайвонларни озиқлантиришда фойдаланиладиган маҳсулотлар	230800 230990
50	Табиий фосфат кальций, алюмин-кальцийли фосфат, табиий алюмин-кальций ва фосфатли мел	2510
51	Сут соғиши үскуналарини ёғлаш учун машина мойи	2710199800
52	Озуқабоп Моно-, ди-, трикальция фосфат	2835250000 2835260000
53	Озуқабоп лизин	2922410000
54	Озуқабоп треонин	2922500000
55	Озуқабоп бетаин	2923900000
56	Озуқабоп метионин	293040
57	Ҳар қандай әритүвчи моддада ишлатиладиган витаминлар ва провитаминлар, табиий ва синтезланган ( табиий концентратлар құышылған ҳолатда) ва уларнинг аралашмаси	2936
58	Ветеринария антигенлари, ветеринария диагностикаси учун зардоб ва ветеринария эмламаси	3002
59	Пробиотиклар (микроорганизмлар үрчитиш)	3002905000
60	Ветеринарияда мойлаш учун фойдаланиладиган гель	3006700000
61	Озуқабоп каротиноидлар	3204170000
62	Бүяш учун органик бүёқ воситалари	3204190000
63	Полиграфик қора бүёқ	3215110000
64	Полиграфик қора бүёқ ва бошқалар	3215190000
65	Сиөх	3215900000
66	Елинларни үқалаш учун таркибида ялпиз эфир мойи бўлган воситалар	3307900008
67	Озуқабоп ферментлар	3507909000

68	Чакана сотиш учун шакл ёки ўрамда қадоқланган ёки тайёр препарат ёки маҳсулотлар кўринишида (масалан, олтингугурт билан ишлов берилган ленталар, пилик ва шамлар, чивинларга қарши ёпишқоқ қоғоз) бўлган инсектицидлар, родентицидлар, фунгицидлар, гербицидлар, униб чиқишига қарши воситалар ва ўсимликларнинг ўсишини тартибга солувчи воситалар, дезинфекция воситалари ва уларнинг аналоглари	3808
69	Ҳайвонларни парваришлиш учун препаратлар	3822000000
70	Ҳайвонлар спермасини таҳлил қилиш учун индикаторлар	3824999608
71	Сиёҳ учун эритма	3814009000
72	Листерияларни ажратиш учун сингитувчи мұхит	3821000000
73	Спермани суюлтирувчи эритма	3821000000
74	Ҳайвонлар сунъий қини камерасига ишлов бериш учун гель-лубрикант	3006700000
75	Касалликлар диагностикаси иммұнофермент таҳлили учун тест түпламлари (ИФТ)	3822000000
76	Спермани сўриб оловчи ва тўлдирувчи шланг, силконли сут шланги	3917320009 3917330000
77	Ветеринария соҳаси учун универсал ғилофлар (чехоллар)	3917
78	Бир марталик полиэтилен қўлқоплар, полиэтилен баҳиллалар (жуфт)	3926200000
79	Фермаларда фойдаланиладиган кийим-бош буюмлари (қўлқоп билан бирга), устки кийим ва пойабзал	3926200000 4015190000 6210109800 6211331000 6401
80	Соломинкалар	3926909709
81	Наконечник	3926909709
82	Сперма ёки уруғни йиғиш учун пластмасса пробиркалар (Марко – кювет), ҳайвонлар учун стерилланган уруғ қабул қилиш воситаси	3923301090 3926909709
83	Сперма учун конус	3926909709
84	Шприцлар учун ҳимоя қоплами – сунъий уруғлантириш дозатори	3917
85	Ҳайвонлар учун юмалоқ электрон қулоқ биркалари	8523529001
86	Ўзини соғишига қарши пластмасса ҳалқа	3926909709
87	Уч қисмдан иборат (корпус, сургич, муфта) полиэтилен зоошприц	901831
88	Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш учун полиэтилен санитар ғилоф	3917320009
89	Варипипетка ва пипетка учун қоплагич	8479908000
90	Қин тиқини	3926909709
91	Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш учун микропипеттор	3926909709
92	Резинали ички шланг, резинали сут шланги	4009110000
93	Чўнтак календари	4910000000
94	100-4-БКНЛ-65 ремень (Ремень-100-4), қудуқларда сувни кўтариб берувчи лента, қудуқда сувни кўтариб берувчи тишли лента	4010390000
95	Латексли воронка, буқа ва қўчқорлар учун резинали қин камераси	4014900000
96	Чорвачилик бинолари учун резинали ёки полиуретанли қопламалар (ёпкичлар)	4016910000 3921131000 3918900000

97	Форсункалар учун зичлагич	4016930008
98	Қүёнларинг сунъий қини учун прокладка, резина сүрғич	4016930008 4016999709
99	Ҳайвонлар учун эгар ва жабдуқлар	4201000000
100	Қочи्रувчи-техник чемодани, қочириувчи-техник пропиленли сумкаси	4202121900 4202125000 4202199000 4202990000
101	Балиқ овлаш түрлари, түгунсиз делилар, ёйма түрлар (ипли түрлардан ташқари)	5608118000
102	Фермер хўжалигида ҳайвонларни боғлаб қўйиш учун тасмалар	6307909800
103	Қочириувчи-техник пенали	6307909800
104	Туёқларга ишлов бериш учун абразив дисклар	6804
105	Спермани йиғиш учун шиша идишлар, шиша ванна, буюм ва қоплаш ойнаси, сперма қабул қилиш воситаси, лаборатория учун шиша идиш, сперма йиғиш учун шиша пробирка, мосланган қопқоқли 250 мл ҳажмдаги шиша идиш (тампон учун)	7017
106	Ҳайвонларни парваришилаш учун мосламалар (металл конструкциялар), сигирлар бош қисмининг фиксатори	7308909809
107	Сифими 500 литр ва ундан кўп бўлган иссиқлик ўтказмайдиган, зангламайдиган пўлатдан қилинган сут сақлаш идиши	7309003000
108	Ем-хашак сақлаш бункери	7309009000
109	Фермалар суюқлик ташиши учун ҳажми сифими 300 литрдан ошмайдиган қора металл резервуар (тара)лар	7310
110	Сутни ташиш учун сифими 50 литрдан ортиқ бўлган зангламайдиган пўлат бидон (тара)лар	7310100000
111	Сутни ташиш учун сифими 50 литрдан ортиқ бўлган иссиқлик ўтказмайдиган, зангламайдиган пўлат идиш (тара)лар	7310291000
112	Сут ташиш учун аралаштиргичли вакуумтанк	8419899890
113	Тиргакли ясси ҳалқа занжирлар	7315810000
114	Сигирларни боғлаш учун боғ ва занжирлар ҳамда уларнинг қисмлари	7315890000 7315900000
115	Ҳаво иситкич ва марказдан қочирадиган вентилятордан иборат иситиш тизими (иссиқлик генераторлари)	7322900000
116	Металл тумбали ювиш ускунаси	9403208000
117	Рампалар, юклаш блоки, буқалар учун металл бурун ҳалқалари	7326909807
118	Сунъий уруғлантириш учун қора металдан иссиқликка чидамли экран	7326909807
119	Универсал тешгич учун захира игнаси	7326909807
120	Сутни ташиш учун маҳсус алюминий идишлар, сифими 300 литрдан кўп бўлмаган алюминийдан тайёрланган бидон (тара)лар	7612908002 7612908008
121	Криоидиш ва криосақлагичлар	7613000000
122	Чорвачилик фермаларида ишлатиладиган қўл асбоблари	8201
123	Фермаларда ишлатиладиган қора металлдан бўлган қисқичлар, бурун ҳалқалари ва бошқа ҳалқалар, маҳкамланадиган илгаклар, боғичлар, буқа ва ҳайвонлар охурлари каби буюмлар	7326909807
124	Пинцет	8203200001

125	Чорвачилик фермалари учун эговлар, сим кесгичлар ва бошқа құл асбоблари	8203100000 8203200009 8203300000 8203400000
126	Бузоқларга озуқа аралашмаларини тайёрлаш учун коррозияга чидамли пўлатдан ясалган мосламалар ва бошқалар	8205598099
127	170 ммли тўғри қайчи	8213000000
128	Суюқ азот етказиб берадиган шланг	8307100000
129	Қайиқ моторлари	840721
130	Сүт ва гўнг учун сув насослари	8413
131	Спермани тўлдириш ёки сўриш учун форсунка	8413810000
132	Фермалар биноларида ҳаво айланиши учун вентиляторлар	841459
133	Ҳаво мұхити антибактериал қутиси, кимёвий реактивларни тортувчи шкаф	8414600000 8414808000
134	Биноларни шамоллатиш ва иқлим назорати учун асбоб-ускуналар тўплами, ҳайвонлар үруғини сақлаш учун климатик камера, намлантирувчи панелдан фойдаланган ҳолда биноларни шамоллатиш ва ҳавони совутиш учун ускуналар тўплами	841581 841583
135	Фермалар учун оғиз сутини музлатадиган ва эритадиган музлаткич ва қозонлар, үруғни эритиш учун тўплам	8418 8419
136	Буқа спермасини найчада музлатиш учун турбофрезер, музлатиш учун камералар, рампаларда үруғ эквибибрацияси учун музлаткич	8418690009
137	Центрифуга	8421192009
138	Бураб ёпкич аппарати	8422400008
139	Ҳайвонларга мўлжалланган электрон ва механик тарозилар	842381 842382
140	Фермалар учун пуркагич мосламалари	8424
141	Озуқа бериш учун шнеклар	8431390000
142	Ўрим-йиғим ва сараловчи ускуналар, шу жумладан тракторларга ўрнатилган ўрим-йиғим, сараловчи ускуналар ва бошқалар	8433201000 8433205000 8433209000
143	Комбайнлар учун ўроқ машиналари	8433
144	Сутни қайта ишлаш учун ускуналар ва мосламалар ҳамда уларнинг қисмлари	8434200000
145	Соғиши коллектори, соғиши аппаратлари шассиси, электрон пульсатор, ечиладиган соғиши мосламаси	8434900000
146	Фермаларда фойдаланиладиган бузоқлар учун реаниматор, туғишига кўмаклашадиган асбоб, ҳароратни аниқлаш воситаси, сигир кўтаргичлар, турли автосуғоргич ва автоозиқлантиргичлар, сўрғичли сут ичиргич ва уларнинг қисмлари каби машиналар ва механизмлар	8436 9025 3926 3923 9018
147	Елинни соchlардан тозаловчи мослама	8468800000
148	Тепишдан ҳимояловчи восита (Антибрык)	7326909807
149	Инъектор	8436290000 9018
150	Пресс-грануляторлар учун матрица, Джентер навининг ҳужайра рамкалари	8436990000
151	Сепараторлар учун элаклар	8421910009

152	Майдалаш учун элак ва болғалар	8436990000
153	Шохларни кесиш ва туёқларни тозалаш учун электр арра	846722
154	Шох күйдиргич	846729
155	Апликатор (құлоқ учун)	8467890000
156	Хайвонларнинг биркалари ва электрон тамғаларидан ахборотларни үқиши учун ҳисоблагиличлар, компьютерлар	8471490000 8471800000 8471900000
157	Ҳисоблаш учун панелли ва алмаштириладиган антенналар	8473308000
158	Стационар ҳисоблаш учун мултиплексор	8473302008
159	Мултиплексорлар ва стационар ҳисоблагиличлар учун адаптерлар	8473302008
160	Мұмлаш воситаси, магнитли аралаштиргич ва электр тегирмон	8479899709
161	Шарикли, роликли ва конус подшипниклар	8482
162	Электр двигателлар	8501 (8501200001, 8501320001, 8501330001, 8501402001, 8501408001, 8501529001 дан ташқари)
163	Электрогенератор үскуналар	8502
164	Климатбокс – әритиши мосламаси учун құват таъминловчи блок	850440
165	Қирқиши агрегати	8510200000
166	Фермалар учун электр сут ва сув иситкичлари, термостат – урұғни әритиши мосламаси, сув қаммоми, иситиши столлари	8419 8516
167	Универсал соғышни бошқариш мосламаси	8537109900
168	Опция учун сопроцессор	8543709000
169	Фермалар учун мол ҳайдагич, кемирудилар ва ҳашаротларни құрқитадиган мосламалар каби электр қурилмалари ва аппаратуралар	8543709000
170	Ҳисоблагиҷ учун антenna үзатгич, интерфейсга үлаш учун кабель ва адаптердан иборат түплам	8544
171	Сут ташиш учун зангламайдиган пўлатдан контейнерлар	8609009009
172	Қайиқлар	8903999100
173	Микроскоп учун фазовий ахромат объективи	9002190000
174	Микроскоп	9011
175	Лаборатория тарозиси	9016001000
176	Ветеринарияда фойдаланиладиган анжом, қурилма, асбоблар ва бошқа буюмлар	9018
177	Хайвонларни уруғлантириш учун гранула қолланган үзаткич, бир мартали учли игна	9018
178	Ультра товушли сканерлаш үскунаси	9018120000
179	Шприц – ҳайвонларни сұнъий уруғлантириш учун асбоб, сұнъий уруғлантириш учун қайрилған шприц, сұнъий уруғлантириш учун құлғылы шприц	901831
180	Хайвонларни электрон идентификация қилиш учун стерилланган, белгили шприц, сұнъий уруғлантириш учун дозаторлы мослама (пистолет) ва ветеринарияда құлланыладиган асбоб ва үскуналар	9018

181	Ветеринария учун қин-цилиндр, қин ойнаси	9018908409
182	Эмлаш үскуналари	8436809000
183	Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш учун қин, конус	3926909709
184	Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш учун қин пробиркаси	392330 392690
185	100 градусли термометр	9025
186	Спиртомер	902580
187	Лаборатория таҳлиллари учун асбоб-үскуналар ва уларнинг қисмлари ҳамда жиҳозлари	9027
188	Хроматографлар	9027200000
189	Спектрометрлар	9027300000
190	Рефрактометрлар	9027500000
191	pH — метрлар	9027801100
192	Макрокювета фотометрлар	9027905000
193	Касалликлар диагностикаси иммұнофермент таҳлили учун тест түпламлари (ИФТ)	9027500000 9027801700
194	Сүтўлчагич (Молокомер)	9028200000
195	Ҳайвонларнинг соғлигини кузатиш мосламаси	9031803800
196	Металл шкаф, жарроҳлик столи	9403208000
197	Ёритиш тизими	940510
198	Бузоқлар учун уйча	9406909009
199	Механизмлар учун чўткалар	9603500009
200	Ҳайвонларни парваришилашда ишлатиладиган чўткалар	9603909100
201	Криоген (Дьюар) идиш, криосақлагич, паталогик материални ташиш учун термослар	9617000000
202	Суғоришнинг томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа тури тизимлари ҳамда уларнинг қисмлари	8424
203	Геомембранили ҳовуз учун қисмларга бўлинган геомембранили ҳовуз ва унинг материаллари	4002 4008

**Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга доир  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

T/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъуллар
1.	Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожлантириш, озуқабоп экинларнинг юкори хосилдор навларини етишириш ва ҳосилдорлигини ошириш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига янги лойиҳаларни шакллантириш мақсадида ер майдонларини хатловдан ўтказиш, шунингдек, яйловларда геоботаник тадқиқотларни олиб бориш ва натижаси бўйича Вазирлар Махкамасига таклифлар киритиши.	2021 йил апрель		Қишлоқ хўжалиги вазирилиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги
2.	Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ва янти лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу туманларда фойдаланишдан чиккан 10 минг гектар ер майдонини ўзлаштириш.	2021 йил 1 июль	Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети маблаглари	Қишлоқ хўжалиги вазирилиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирилиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
3.	Муборак туманида фойдаланишдан чиккан унумдорлиги паст бўлган 2,2 минг гектар майдонни ўзлаштириш, тери, гўшт ва сутни қайта ишлаш бўйича замонавий чорва кластерларини ташкил этиш.	2021 йил давомида	Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети маблаглари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирилиги, Сув хўжалиги вазирилиги
4.	Қашқадарё ўзанида сув тўсувчи иншоот қуриш ва дарё ўзанини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш, “Кулокли” насос станциясини тўла кувват билан ишлашини йўлга кўйиш ва Қамаши тумани “Оқробод”, “Блу-Найл”, “Тўқбой”	2022 йилда	Сув хўжалиги вазирилига иригация тадбирлари учун	Сув хўжалиги вазирилиги, Молия вазирилиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги

T/р	Амалга оширилладиган тадбирлар	Ижро мүддати	Молиялаштириш манбаси	Масъуллар
	Массивларида 3 минг гектар кишлөк хўжалиги экин ерларини кафолатли сув билан таъминлаш чораларини кўриш.		ажратилган маблағлар	
5.	Китоб, Яккабоғ, Қамаси ва Дехқонобод давлат ўрмон хўжаликлирида камидা 300 бош гўшт ва жун йўналишидаги зотдор қўйлар хамда Муборак ва Қашқадарё давлат ўрмон хўжаликлирида гўшт ва жунчилик йўналишидаги камидा 1 000 бош зотдор қўйчиллик лойиҳаларини амалга ошириш.	2021–2022 йиллар	Давлат ўрмон хўжаликлари маблағлари	Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси,
6.	Озукабоп экинлар навларининг бирламчи уруғчилигини йўлга кўйиш мақсадида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё илмий-тажриба станциясига худуддаги тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлаш учун Яккабоғ (20 гектар), Косон (10 гектар), Касби (10 гектар) ва Миришкор (20 гектар) туманларидағи сугориладиган ерлардан жами 60 гектар ва Дехқонобод туманиндағи лалми ерлардан камидা 20 гектар ер ажратиш.	2021–2022 йиллар	Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Қашқадарё вилояти хокимлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, туманлар хокимлиги
7.	Вилоятда маҳаллий қорамолларни парваришилаш, озиқлантариш ва бўрдоқилаш бўйича хорижий тажрибалар асосида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган озиқлантариш технологияларини кенг татбик этиши.	2021–2022 йиллар	Жалб этиладиган грант маблағлари хисобидан	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Қашқадарё вилояти хокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 3 мартағи ПҚ-5017-сон қарорига  
З-илова

**Қашқадарё вилоятида 2021–2022 йилларда давлат дастури доирасида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш  
бўйича прогноз кўрсаткичлар**

Т/р	Худудлар номи	Мелиоратив ҳолати барқарорлашадиган майдан, га	Куввати, км	Қиймати, млн сўм*	Шу жумладан:	
					2021 йилда	2022 йилда
<b>Касби тумани</b>						
1.	Наврӯз	786	20,7	621		621
2.	Насафий	1 350	45,5	1 365		1 365
<b>Жами:</b>		<b>2 136</b>	<b>66,2</b>	<b>1 986</b>		<b>1 986</b>
<b>Косон тумани</b>						
1.	Зафаробод	450	21,8	2 745		2 745
2.	Гулбоғ	570	19	2 450		2 450
3.	Жарқум	627	21	1 260		1 260
<b>Жами:</b>		<b>1 647</b>	<b>61,8</b>	<b>6 455</b>		<b>6 455</b>
<b>Нишон тумани</b>						
1.	Самарқанд, А.Кодирий	510	22,8	1 918,9		1 918,9
2.	Оқолтин	891	29,7	1 893,4		1 893,4
3.	Ҳамза	2 900	111	3 330		3 330
4.	Самарқанд	2 837	93,5	2 805		2 805
5.	Туркманистон	1 642	58,5	1 824		1 824
6.	Ойдин	2 218	72	2 160		2 160
<b>Жами:</b>		<b>10 998</b>	<b>387,5</b>	<b>13 931,3</b>	<b>11 771,3</b>	<b>2 160</b>
<b>Халласи:</b>		<b>14 781</b>	<b>515,5</b>	<b>22 372,3</b>	<b>11 771,3</b>	<b>10 601</b>

\* Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан супориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Изоҳ: Лойиҳалар қиймати лойиҳа-сметта хужжатлари ва экспертиза хуносаларига асосан ўзгариши мумкин.

**Қашқадарё вилоятида 2021–2022 йилларда ирригация тадбирларини бажариш ҳисобига  
кўшимча ер майдонларини ўзлаштириш параметрлари**

Т/Р	Худудлар номи	Суфориш тармоқларини тозалаш ва реконструкция килиши (км)	Кўшимча ўзлаштириладиган майдон (гаектар)	Киймати жами (млн. сўм)	шу жумладан:	
					2021 йил	2022 йил
<b>Касби тумани</b>						
1.	Майланок	6,5	150,4	2495,8	1598,2	897,6
2.	С.Насафий		46,5	900	900	
3.	Комилон	25,9	283,1	5904	3824	2080
<b>Жами:</b>		<b>32,4</b>	<b>480</b>	<b>9299,8</b>	<b>6322,2</b>	<b>2977,6</b>
<b>Миришкор тумани</b>						
1.	О.Бошок	10,3	214,5	2266,6	1266,6	1000
2.	Помук	11,8	263	2044,4	1684,7	359,7
<b>Жами:</b>	<b>22,1</b>	<b>477,5</b>	<b>4311,0</b>	<b>2951,3</b>	<b>1 359,7</b>	
<b>Нишон тумани</b>						
1.	Нишон ДФХУ	10,9	270	2553	1860	693
<b>Жами:</b>	<b>10,9</b>	<b>270</b>	<b>2 553</b>	<b>1 860</b>	<b>693</b>	
<b>Косон тумани</b>						
1.	А.Набиев	8,7	615	2500	1549	951
2.	Бобур	2,7	450	1880	1080	800
<b>Жами:</b>	<b>11,4</b>	<b>1065</b>	<b>4380</b>	<b>2629</b>	<b>1751</b>	
<b>Ҳаммаси:</b>	<b>76,8</b>	<b>2 292,5</b>	<b>20 543,8</b>	<b>13 762,5</b>	<b>6 781,3</b>	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 3 мартағи ПҚ-5017-сон қарорига  
5-илова

**Қашқадарё вилоятида 2021–2022 йилларда пичанзор ва яйлов ерларда  
янгидан қазиладиган құдуқлар  
ДИСЛОКАЦИЯСИ**

Т/р	Худудлар номи	Ер майдони, га	Янги қазиладиган құдуқлар сони	шу жумладан:	
				2021 йил	2022 йил
<b>Косон тумани</b>					
1.	Чироқчи	533,3	3	1	2
<b>Миришкор тумани</b>					
1.	А.Темур	67,3	1		1
2.	Авазчүл	185	1	1	
3.	Янгиобод	59,5	1		1
4.	Махтумқули	510,2	2	1	1
5.	Олтин бошоқ	169,6	1		1
6.	Помук	140,5	1	1	
<b>Тұман бүйіча жами:</b>		<b>1 132</b>	<b>7</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
<b>Нишон тумани</b>					
1.	Пахтаобод	69	1	1	
2.	Ойдин	421	2	1	1
3.	Туркманистон	382	2	1	1
4.	Гулистон	913	2	1	1
5.	Оқолтин	932	2	1	1
6.	Самарқанд	618	2	1	1
7.	Мөхнатабод	162	1	1	
8.	Навбаҳор	423	2	1	1
9.	Ч.Бегимқулов	115	1	1	
10.	Ибн Сино	159	1		1
11.	Ширинобод	1274	3	1	2
12.	Ҳамза	372	2	1	1
13.	Дўстлик	338	1	1	
14.	У.Юсупов	389	1		1
<b>Тұман бүйіча жами:</b>		<b>6 567</b>	<b>23</b>	<b>12</b>	<b>11</b>
<b>Вилоят бүйіча жами</b>		<b>8 232</b>	<b>33</b>	<b>16</b>	<b>17</b>

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлариға  
киритилаётган ўзгартиришлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4015-сон қарори 13-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг “Паррандасаноат” уюшмаси таркибидаги паррандачилик ва ем ишлаб чиқарувчи корхоналарига 2024 йил 1 январга қадар ўз эҳтиёжи учун мақсадли равишда озуқа компонентлари ва қўшимчаларини (ТИФ ТН коди 1001, 1003, 1005, 1201, 1206, 1507, 1512, 2302, 2304, 2306, 2309, 2835, 2922, 2930) темир йўл орқали ташишда, истисно тариқасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги темир йўллари тариф сиёсатининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан”.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сон қарори 3-бандининг “б” кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжаликларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган 1 дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгacha бўлган харажатлари 50 фоизи миқдорида давлат томонидан субсидия ажратилади”.

Изоҳ: мазкур илованинг 2-банди 2021 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.





## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 3 » марта

№ ПП–5017

### О дополнительных мерах по дальнейшей государственной поддержке отраслей животноводства

В целях стабильного обеспечения мясом, молоком, яйцами и иной животноводческой продукцией, расширения кормовой базы животноводства, птицеводства и рыбоводства, а также **широкого внедрения научно обоснованных методов и интенсивных технологий** в увеличение производства конкурентоспособной продукции для реализации на внутреннем и внешнем рынках:

1. Установить, что:

**начиная с 1 марта 2021 года субъектам предпринимательства, пользующимся компенсациями и гарантией Государственного фонда поддержки предпринимательской деятельности и своевременно осуществляющим платежи по кредиту в направлении животноводства, птицеводства, рыбоводства и кролиководства, разрешается вновь использовать гарантию Фонда по новым кредитам до полного погашения их задолженности по кредиту;**

льготы, предоставленные в соответствии с пунктом 2 постановления Президента Республики Узбекистан от 18 марта 2019 года № ПП–4243 «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводческой отрасли», распространяются также на все хозяйствующие субъекты, занимающиеся производством животноводческой продукции, и предприятия – производителей комбинированных кормов;

**начиная с 1 января 2021 года по 1 января 2024 года по налогу на прибыль (за исключением процентов, полученных за счет средств, размещенных в коммерческих банках), налогу на имущество, земельному налогу и налогу за пользование водными ресурсами по основному виду деятельности субъектов племенного дела налоговая ставка применяется в размере 50 процентов.**

2. При ввозе субъектами предпринимательства на территорию Республики Узбекистан товаров, приведенных в приложении № 1:

**срок уплаты начисленного налога на добавленную стоимость продлевается на 180 дней;**

**сумма отрицательной разницы уплаченного налога на добавленную стоимость на конец отчетного периода покрывается на основании заявления налогоплательщика в ускоренном порядке в течение не более 20 дней, при этом камеральная налоговая проверка проводится после покрытия суммы налога в общем порядке.**

